




XASR



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
ЎЗЛІДЕП

Газета 2004 йил 1 январдан
чизка бошлаган.
E-mail: axborotXXIlast@yahoo.com
web sayt: www.21last.uz

2011 йил 1 декабрь, пайшанба
48-(420)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, улларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади



«Асака»банкнинг Сурхондарё вилоят филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даврида ўрта қатлам вакилларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 11,8 млрд. сўм миқдорига кредит ажратилди



Дунёда ҳеч нарса абадий эмас. Фақат эл-юрт тинчлиги ва оқилолиги йўлида кўрсатилган мардлик ва жасоратгина авлодлар хотирасида мангу қолади

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ: ҚАРОР ИЖРОСИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ O'ZLiDeP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ИЧКИ БОЗОРНИ ТЎЛДИРИШГА ДОИР КЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»-ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛГАН НАЗОРАТ-ТАХЛИЛ ФАОЛИЯТИ ЯҚУНЛАРИНИ МУҲОКАМА КИЛДИ

Шунингдек, йиғилишда «Хоразмчорвамаҳсулот» жамияти раиси Умар Жуманиёзов ва «Микрокредитбанк» вилоят филиали бошқарувчиси Ғайрат Ромоновнинг ҳисоботлари тингланди.

Маълумки, дунё аҳолисининг кундан-кунга кўпайиб бораётгани глобал муаммага айланаётган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни долзарб масалага айлантирди. Бу эса шубҳасиз мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда эса тадбиркор ва фермерлар учун яратиб берилаётган шароит, қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг ўз вақтида ижро этилиши ниҳоятда муҳимдир. Депутатлар йиғилишда муҳокама қилинган масалаларга, энг аввало, ана шу нуқтаи назардан ёндашдилар.



Кичик бизнес бандликни таъминлашнинг асосий омилдир

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ O'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИДА 2011 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ЖАМИ 815452 ТА ЯНГИ ИШ ҲАКИҚАТ ТОМОНГА ЎТИШНИ ИСТАМАЙДИ», ДЕГАН МАШХУР ИБОРА ЁДГА ТУШАДИ ВА У РОҒУН МАСАЛАСИДА ЎЗ ТАСДИҒИНИ ТОПАЁТГАНИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛАМИЗ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Алимхамедов ахбороти эшитилган йиғилишда жохон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай Ўзбекистонда замонавий тех-

нологияларга асосланган ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга топшириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, фермерлик ҳаракати ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш ҳисобига кўплаб янги иш ўринла-

ри яратилганига эътибор қаратилди. Агар 2011 йилнинг тўққиз ойида жами 815452 та янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, унинг 296116 таси кичик корхона ва микрофирмалар, 89749 таси яқка тартибдаги тадбиркорлар,

120766 таси фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди. Яратилган иш жойларининг 512,4 миң таси ёки 62,8 фоизи қишлоқларда очилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Биз одатда юртимиз, Ўзбекистонимизни Оллоҳнинг назари тушган замин, деб атаймиз. Бунинг яққол мисоли сифатида Қашқадарё воҳасини кўриш ўринлидир, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Дарҳақиқат, Қашқадарё деганда, барчамиз гўзал ва бетакрор бир ўлкани, мана шу заминга меҳр ва садоқат билан яшаётган, меҳнат қилаётган бағрикенг, азви қатъий инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз. Бу заминнинг ер ости ва ер усти бойликлари, ғалла ва пахта етиштириш бўйича республикамизда етакчи ўринда туриши, бугунги кунда юртимизда қазиб олинмаган табиий газнинг 88 фоизи, нефтнинг 93 фоизи айти шу вилоят ҳиссасига тўғри келиши шундай деб айтишга тўла асос беради.

Бу воҳада мужассам бўлган улкан моддий ва маънавий бойликлари, иқтисодий ва интеллектуал салоҳият аниққис мустақиллик йилларида ёрқин намоён бўлиб, эл-юртимиз манфаати, Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилаётгани барчамизни қувонтиради. Айтиш вақтида бу қадимий ва навқирон диёрнинг энг катта бойлиги, ҳеч шубҳасиз, унинг ҳаёт синовларида тобланган, бағрикенг, мард ва ориятли халқидир, деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда Қашқадарёдаги бугунги аҳвол, мавжуд вазиятни ино-

батга олган ҳолда, депутатларни, вилоят жамоатчилигини нималар қониқтиради, нималарга эса салбий баҳо беришимиз керак, деган саволлар асосида тегишли хулосалар чиқариб, фикр алмашиб олиш мақсадга мувофиқ экани алоҳида қайд этилди. Биринчи навбатда, Қашқадарё вилоятининг улкан салоҳиятини рўёбга чиқариш, ишни тўғри ташкил этиш, аввало, шу заминда яшаётган миллионлаб одамларни безовта қилаётган, ҳали-бери ечилмасдан келаётган муаммоларни ечиш, бир сўз билан айтганда, вилоятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Эсингизда бўлса, сизлар билан шу йилнинг июнь ойида, яъни пахтачиликда ҳосил тақдири ҳал бўладиган муҳим паллада учрашган эдик, деб ўз фикрини давом эттирди Юртбошимиз. Айтиш керакки, яқунланаётган 2011 йилда об-ҳавонинг гоят ноқулай келгани, қаттиқ қурғоқчилик ва сув тақчиллиги қишлоқ хўжалиги учун жиддий муаммолар туғдирди. Аммо, фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг кўп йиллик тажрибаси, омилқорлиги ва мардона меҳнати ҳисобидан вилоятда 400 миң тоннадан ортиқ пахта, 821 миң тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этилганини таъкидлаб ўтмоқчиман, деди Ислоҳ Каримов.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Т.И.Жўраевни Қашқадарё вилояти ҳоқими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Туробжон Икромович Жўраев Қашқадарё вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин, шу муносабат билан Сурхондарё вилояти ҳоқими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2011 йил 30 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Н.Зайниевни Қашқадарё вилояти ҳоқими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Нуритдин Зайниев Қашқадарё вилояти ҳоқими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2011 йил 30 ноябрь

ХАТОЛАРДАН ТЕГИШЛИ ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ КЎМИТАСИНИНГ 2011 ЙИЛ 3 ИЮНДАГИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ, ЖОЙЛАРДА ХУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси», шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси масалалари атрофида таҳлил этилаётган тадбирларда эса эришилган натижаларни янада мустахкамлаш, йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Роғун хатарли маконга айлантирилаяпти

АГАР КЕЙИНГИ БИР ЙИЛ МОБАЙНИДА ТОЖИКИСТОНДАГИ РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР ВА ТУРЛИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ТАРҚАТИЛАЁТГАН ХАБАРЛАРНИ ЧУҚУРРОҚ ТАХЛИЛ ЭТСАК, БЕИХТИЁР «ҲАКИҚАТ УНИНГ ТОМОНИДА БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙДИ-Ю, АММО УНИНГ ЎЗИ ҲАКИҚАТ ТОМОНГА ЎТИШНИ ИСТАМАЙДИ», ДЕГАН МАШХУР ИБОРА ЁДГА ТУШАДИ ВА У РОҒУН МАСАЛАСИДА ЎЗ ТАСДИҒИНИ ТОПАЁТГАНИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛАМИЗ

Очиғи, Тожикистон раҳбариятининг бу борадаги қалтис хатти-ҳаракатларини бошқача изоҳлаб бўлмайди. Ке-

линг, масалага янада ойдинлик киритиш учун Роғун ГЭСи қурилиши тарихига бир назар солайлик. Бундан 40 йил аввал —

1970 йил ўртасида, собиқ иттифок даврида қўл урилган мазкур лойиҳа ҳақидаги хабар ўша пайтда қимга қандай таъсир этганини билмадигу, аммо айнан тожик халқи Роғун ГЭСи қурилиши келгусида маҳаллий аҳоли учун хавф-хатар ўчоғига айланиши мумкинлигини ҳис этиб, кўзга кўринган вакиллар, оқсоқоллар ва зиёлилар тимсолида жуда қаттиқ норозилик билдирганди. Тожикистоннинг бугунги раҳбарияти эса ҳатто собиқ иттифок даврида ҳам тожик халқининг асл фарзандлари келгуси авлод тақдири ҳақида қайғурганини ўйлаб кўришни ҳам хоҳламапти.

Қоровулбозор ва Вобкент чегара эмас

Бухоро туманида ўз фаолиятини бошлаган «Ай Юлдуз Брейд» шўъба корхонасида нон ва нон маҳсулотлари тайёрланаётганига атиги бир йил бўлди, холос. Бироқ ана шу қисқа вақт ичида мазкур корхона Бухоро, Қоровулбозор ва Вобкент туманлари аҳолисини сифатли маҳсулот билан таъминлаб, харидорлар эътирофига сазовор бўлди. 12 нафар юқори малакали мутахассис меҳнат қилаётган корхонада янги технология линиясининг ишга туширилганлиги натижасида энергия тежамкорлигига ҳам эришилди. Яқин келажақда бу ерда яна битта нон ёпиш печини ишга тушириш мўлжалланган. Ушбу лойиҳа амалга оширилса, яна 5 киши иш билан таъминланади, маҳсулот тури эса ортади.

БУГУНГИ СОНДА:

ЭЪТИРОФ

Буни 25-26 ноябрь кунлари Тошкентда ўтказилган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиумда қатнашган чет эллик мутахассислар ҳам эътироф этдилар. Жумладан, Жохон Соғликни Сақлаш Ташкилоти Бош директори Маргарет Чен хоним Ўзбекистонда ҳатто глобал инкирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалаётганини таъкидлади.

03

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 29 НОЯБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУҲАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:

| | | | | | | | | | |
|-------------------------|-----------|--------------------|-----------|---------------------|-----------|---------------------|-----------|--------------------|----------|
| 1 Австралия доллари | ▼ 1751,01 | 1 АКШ доллари | ▲ 1780,22 | 1 Ҳитой юани | ▼ 279,08 | 1 Туркия лираси | ▼ 949,81 | 1 Япония иенаси | ▼ 229,32 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▼ 2758,81 | 1 Миср фунти | ▼ 296,70 | 1 Малайзия ринггити | ▼ 557,19 | 1 Швейцария франки | ▼ 1917,51 | 1 Россия рубли | ▼ 57,46 |
| 1 Дания кронаси | ▼ 318,17 | 1 Исландия кронаси | ▼ 14,83 | 1 Польша злотийси | ▼ 523,10 | 1 ЕВРО | ▼ 2390,03 | 1 Украина гривнаси | ▲ 222,81 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ 484,69 | 1 Канада доллари | ▼ 1709,78 | 1 СДР | ▼ 2770,40 | 1 Жанубий Корея вон | ▼ 15,42 | | |

Қашқадарё вилояти кенгашининг сессияси

Давоми. Бошланиши 1-2-саҳифаларда ◀◀

Мажлисида бундай вазиятни тубдан ўзгартириш мақсадида ҳозирги вақтда Қарши шаҳрини реконструкция қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилаётгани айтиб ўтилди. Жумладан, тегишли вазирилик ва мутасадди идоралар томонидан шаҳарнинг 2030 йилгача мўлжалланган бош режасини тайёрлаш бўйича иш олиб борилаётгани ҳақида қисқача маълумот берилди. Шаҳарнинг Жайхун кўчасини Фузор ва Нишон туманларидан келадиган йўллар билан, Насаф кўчасини эса Янги ҳаёт кўчаси билан туташтириш назарда тутилаётгани таъкидланди. Айни вақтда бу ердаги канализация тизимини реконструкция қилиш ва кенгайтириш, Қарши магистрал канали, Айрум ва Чап қирғоқ каналларининг суви ҳисобидан шаҳар ҳудудининг сугориш тизимини яратиш, Ўзбекистон, Насаф ва Қорлибоғот кўчаларида ёмғир сувлари чиқиб кетадиган тармоқ барпо этиш белгиланаётгани қайд этилди. Ўзбекистон, Насаф ва Амир Темур кўчалари бўйлаб биринчи каватидан савдо ва хизмат кўрсатиш объекти яроқлилаштирилган ички, уч ва тўрт қаватли бинолар қуриш, шу билан бирга, экологик жиҳатдан зарарли ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор қорхоналарни босқичма-босқич шаҳар ҳудудидан четга чиқариш, шаҳарнинг муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини такомиллаштириш юзасидан ҳам зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилаётганига эътибор қаратилди.

Ҳусусан, ўтган йиллар давомида бевосита болалар ҳуқуқлари оид 600 дан ортқ қонун ҳужжатлари инвентаризациядан ўз аксини топган нормалар асосида парламент томонидан қатор қонунлар қабул қилинди.

Шу ўринда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида Ўзбекистон қўшилган дастлабки халқаро ҳужжатлардан бири 1992 йил 9 сентябрда парламентимиз томонидан ратификация қилинган бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. 1998 йилнинг 10 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Президент фармони эса соҳани тубдан янгилашнинг муҳим босқичини бошлаб берди. Бунда асосий эътибор она ва бола саломатлигини таъминлаш, соғлом она — соғлом бола ҳосилини юрдошларимиз қалби ва онига чуқур сингдириш, баркамол авлодни вояга етказиш ишларига қаратилиб, бу масала умумий ҳақида қаратилди.

2008 йилда «Бола ҳуқуқлари-

дий ҳаётида йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар ҳақида яна кўп гапириш мумкин, ўйлайманки, бу залда ўтирган фаолларимиз ҳам мавжуд оқсоқликлар ва уларнинг сабаблари ҳақида яна кўшимча мисоллар келтириши қийин эмас, деди Президентимиз. Лекин, менинг назаримда, юқорида кўрсатилган камчиликларнинг асосий сабаби вилоят раҳбарлари, аввало, вилоятнинг биринчи раҳбари Н.Зайниевнинг масъулияти ва иш услуби билан боғлиқдир.

Албатта, у вилоят раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки даврда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича анча ҳаракат қилди ва бу йўлда эришилган натижаларда унинг ҳам ҳиссаси бўлганини бугун ҳолисона тан олишимиз керак.

Шу билан бирга, вилоятда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларда бир вақт бошлаган ишларни изчил суръатлар билан давом эттириш учун аҳолини, мутахассис ва фаолларни кенг жалб этиш, энг муҳими, туманлар раҳбарларининг бошини қовуштиришда ишларнинг самараси сусайиб кетиши вилоят ҳокимига боғлиқ эканини қайд этиш лозим.

Унинг иш фаолиятида талаб-чанлик ва масъулиятнинг бўшашиб, ташаббус ва изланишнинг етишмаслиги каби ҳолатлар кучайиб бораётганини кузатиш қийин эмас. Бундай ҳолат, кўп марта оғохлантиришга қарамасдан, афсуски, кўпдан буён давом этиб келмоқда.

Барчамиз яхши биламиз, Қашқадарё халқи азалдан меҳнатқаш, ишнинг негизини биладиган халқ сифатида ном қозонган. Бугунги кунда биз ўз олдимизга оғир ва мураккаб вазифалар, марраларни кўяр эканмиз, кўп нарса ишни оқилона бошқаришга, узоқни кўлаб, аввало, шу мақсадда интилган фаолларни ўз ортидан эргаштира оладиган етакчига боғлиқ экани мажлисда алоҳида таъкидланди.

Бу ҳақда, раҳбарнинг маҳорати ва усталиги ҳақида сўз юртар эканмиз, бир фикрга алоҳида урғу бериб айтмоқчиман, деди

Ислом Каримов. Ҳар қайси бошланган ишнинг самараси ва пировард натижаси авваламбор шу ишга бел боғлаган фаоллар ва раҳбарларнинг ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун, таъбир жоиз бўлса, ягона бир мушт бўлиб майдонга чиқишига, энг асосийси, етакчининг ҳар қайси ходимнинг билими ва тажрибасини,

ни талаб қилмоқда. Бинобарин, раҳбарлик вазифасида ўтирган ҳар қайси одам ўз масъулиятини юз карра кўпроқ сезиши даркор, деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Н.Зайниев Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимидан озод қилинди.

Бугун жуда тез ўзгариб бораётган замоннинг ўзи ҳаммамизнинг олдимизга улкан ва ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Нафақат бугунги ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшаш, балки эртага йўлимизда тушиши мумкин бўлган савдоларнинг ечимини ҳозирдан йўлаб яшашимизни талаб қилмоқда. Бинобарин, раҳбарлик вазифасида ўтирган ҳар қайси одам ўз масъулиятини юз карра кўпроқ сезиши даркор, деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов тавсиясига кўра, Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Туробжон Жўраев Қашқадарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Ҳозиргина сизлар билан сайлаб, тасдиқлаб олган янги раҳбар бугун айтилган танқидий гаплардан хулоса чиқариб, Қашқадарёнинг ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун вилоят аҳолини жипслаштириб, бор куч-ғайрати, билим ва тажрибасини ишга солишига ишонаман, деди пировардида Юртбошимиз.

Сессияда сўзга чиққан Қарши давлат университети доценти, фалсафа фанлари номзоди Абдураҳим Эркаев, Деҳқонobod каллибли ўғитлар заводи муҳандис технолог Мансур Аралов, Қарши давлат университети талабаси, таэквондо ВТФ бўйича Осиё чемпиони Ферузобону Абдураҳмонова, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Долли Аллаев, Қамаш туманидаги «Абди Бозор» фермер хўжалиги раҳбари Абдумурод Бозоров ва бошқалар Президентимиз нутқида баён этилган танқидий фикрлардан зарур хулосалар чиқариб,

кўрсатиб ўтилган камчилик-нуқсонларни бартараф этиш, вилоят олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларни муваффақиятли адо этиш, ислохотларимиз самарасини ошириш учун бутун Қашқадарё аҳли астойдил меҳнат қилади ва кўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидладилар.

Бу бежиз эмас, албатта. Маълумки, ўтган асрнинг 80-йиллари охиридаги собиқ Марказ ва унинг кўрсатмаси билан юртимизга юборилган, халқимиз ўртасида «десантчилар» деб ном олган гуруҳлар томонидан эл-юртимиз бошига тўхмат ва бўхтонлар ёғдирилган, одамларимизнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқи, шаъни ва гурури аёвсиз оёқости қилинган эди. Айниқса, Қашқадарё воқеаси бундай адолатсизлик, бундай зулмдан энг кўп азият чекди.

Ана шундай дахшатли қатагоннинг қандай кенг тус олганини, ўйлаймики, қуйидаги рақамлар яққол кўрсатади. Биргина «пахта иши» бўйича вилоятда 3 мингдан зиёд одам ҳибсга олинган, фақат 1985 йилнинг уч ойида вилоят раҳбарининг 3 та муовини, 8 та бўлим мудири, шаҳар ва туман партия кўмиталарининг 26 нафар котиби, вилоят ижроия кўмитаси раиси, унинг 4 нафар ўринбосари, масъул котиби, шаҳар ва туман ижрокўмларининг 12 нафар раиси, вилоят миқёсидаги иририк ташкилотларнинг 27 та раҳбари, колхоз ва совхозларнинг 99 нафар раис ва директорлари, яна қанча-қанча оддий меҳнатқашлар, беғуно инсонлар жиноий жавобгарликка тортилган эди. Вилоятнинг собиқ раҳбарларидан бири ўзи жонига қасд қилган, иккинчиси эса қамоққа олинган эди. Ҳибсга олинган ҳар бир одамнинг ортида эса 20-30 тадан оила аъзолари, қариндош-уруғлари, бирга ишлаган кишилар туну кун сўроқ бериб, маъмурий идораларнинг эшигига сарсон бўлиб юрган Қашқадарё аҳли ҳеч қачон унутмайди.

Яқин ўтмишда бошимиздан кечирган ана шундай машум кунларни эслар эканмиз, бугунги эркин ва озод ҳаётимизни асраш, унинг қадрига етиш, ҳозирги ўта нотинч ва таҳликали замонда доимо ҳушёр, оғоҳ ва сергак бўлиб яшаш зарурлигини янада чуқур англаймиз.

(ЎЗА)

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун ▼

КОНСТИТУЦИЯ ДАВЛАТНИ ДАВЛАТ, МИЛЛАТНИ МИЛЛАТ СИФАТИДА ДУНЁГА ТАНИТАДИГАН ҚОМУСНОМАДИР.

Ислом КАРИМОВ

Бир юз олтимиш бир мамлакат ичида тўққизинчимиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДЕМОКРАТИЯ УМУМИНСОНИЙ ПРИНЦИПЛАРГА АСОСЛАНДИ, УЛАРГА КўРА ИНСОН, УНИНГ ҲАЁТИ, ЭРКИНЛИГИ, ШАЪНИ, КАДР-КИММАТИ ВА БОШКА ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚЛАРИ ОЛИЙ КАДРИЯТ ҲИСОБЛАНДИ



Шоира ҲАЙДАРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

нинг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг кучга кириши эса аҳоли фаровонлигини ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш бўйича миллий стратегиянинг қонуний асосларини белгилаб берди.

Шу ўринда ўтган 20 йилда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланаётган давлат харажатлари 5 баробарга кўпайганини, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умри 75 ёшга етганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва ушбу тизимда сифат ўзгаришларини амалга ошириш таъминлаш борасидаги ишларга жиддий ёндашилгани эса оналик ва болаликни муҳофаза қилишни юксак даражага кўтарди. Ўзбекистон жорий йилда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингда ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп гомхўрлик кўрсатаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллаганини боиси ҳам ана шунда. Кейинги ўн йилда мамлакатимизда оналар ўлими коэффициенти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коэффициенти эса 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушгани,

туғма ва ирсий касалликлар билан туғилган болалар сонини қарий икки баробар камайгани, ушбу мақсадлар учун фақатгина ўтган йилнинг ўзида 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортқ бюджет маблағлари ажратилгани ҳақиқатан ҳам юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг узвий асосини ташкил этаётганини кўрсатади.

Бунга 25-26 ноябрь кунлари Тошкентда ўтказилган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиумда қатнашган чет эллик мутахассислар ҳам эътироф этдилар. Жумладан, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти Бош директори Маргарет Чен хоним Ўзбекистонда ҳатто глобал инқирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари мутасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалаётганини таъкидладилар.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямизда «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» экани белгилаб қўйилгани тиббиёт тизимини юксак даражага олиб чиқиш ва аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконини яра-тиб берди.

Хусусан, болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази ва 13 та минтақавий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларидан иборат ягона тизим яратилди. Республика ихтисослашган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг минтақавий филиаллари, минтақавий перинатал марказларда оналар ва чақалоқларга юқори технологиялар асосида ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Она ва бола скрининги» Давлат дастури асосида барча ҳудудларимизда замонавий скрининг марказлари ташкил этилди. Бу кўплаб туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш имконини бермоқда.

Айни пайтда эса мамлакатимиз давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланаётган харажатлар 15,7 фоизни, ялпи маҳсулотга нисбатан эса 4,1 фоизни ташкил этаётгани эса Бош қомусимизда белгилаб қўйилган миллий ва умуминсоний тамойилларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, мамлакатимизда инсон манфаатлари устунлигининг бош мезонига айланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир.

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги муносабати билан ташкил этилган «Еш ҳуқуқшунослар» республика кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур кўрик-танловда юртимиздаги ҳуқуққа ихтисослашган коллеж ва академик лицейлар ўқувчиларидан иборат жамоалар қатнашди.

Танловда ўқувчиларнинг Конституциямиз ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти, нутқ маданиятини ўстириш, ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда ёш билимдонларни кўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўқувчилар мустақиллик йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини амалга оширилаётган ислохотлар, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишлар самарасини турли сахна кўринишлари ва кўргазмалари воситалари орқали намойиш этди.

Узро савол-жавобларда жамоаларнинг Президент асарлари, Конституция ва у асосида қабул қилинаётган қонунлар оид билим ва тушунчалари синовдан ўтказилди.

Танлов якунига кўра, биринчи ўрин Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежининг «Девиант» ва 1-Тошкент юридик коллежининг «Куч адолатдадир» жамоаларига насиб этди. Наманган юридик коллежининг «Ўзбекин ёшлари» жамоаси иккинчи, Фарғона ҳамда Жиззах ҳуқуқшунослик коллежлари ўқувчилари учинчи ўринга сазовор бўлди.

ЕШ ҲУҚУҚШУНОСЛАР ТАНЛОВИ

(ЎЗА)

ФРАКЦИЯДА

Кичик бизнес

Бандликни таъминлашнинг асосий омилидир

Давоми. Бошланчи 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Хисобот даврида бандликни таъминлашнинг энг юқори кўрсаткичлари қурилиш (105,2 фоиз), уй-жой ва коммунал хўжалик (105,1 фоиз), маиший хизмат кўрсатиш (105,1 фоиз), савдо ва умумий оқатланиш (105 фоиз), транспорт ва алоқа (104,1 фоиз) соҳаларида қайд этилган.

О'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, юртимизда доимий меҳнат билан банд аҳоли сонининг шу давр оралиғида 2,5 фоизга ўсгани ёки 11,9 миллион кишига етгани шунчаки статистика рақамлари эмас. Ақсинча, бу мамлакат иқтисодий таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инновацион лойиҳаларга кенг ўрин бериш, бозор муносабатлари шароитида самарали фаолият кўрсата оладиган хусусий секторни ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар қўллангани натижасидир. Бошқача айтганда, бугун иш билан банд аҳолининг 79,4 фоизи нодавлат сектори, аниқроғи, 74,2 фоизи айнан кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётгани Президентимиз раҳнамолигида ўрта қатламини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар натижасидир.

Партия дастурида белгилаб қўйилганидек, янги давр ёшларининг бизнес-режаларини қўллаб-қувватлаш ва ҳаётга жорий этишда молия муассасаларининг имтиёзли кредитлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ҳар бир янги кичик бизнес субъекти қўшимча иш ўрни ва барқарор даромад манбаи, деганидир.

Бу борада О'zLiDePнинг молия муассасалари билан яқин ҳамкорлиги яхши натижа бераётганини таъкидлаш мумкин. Марказий банк департаменти мудири Актам Сайфуллаевнинг айтишича, жорий йилнинг ўн ойида ёшларнинг инновацион фояларини қўллаб-қувватлаш ва пиловариди янги иш ўринларини яратиш учун 21 миллиард сўм миқдорига кредит ажратилган. Биргина «Диплом билан — бизнесга!» лойиҳаси доирасида 560 нафар битирувчига 2 миллиард 574 миллион сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилган.

Йиғилишда, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар туфайли янги иш ўринлари яратиш имконияти янада кенгайиб бораётгани таъкидланди. Хусусан, кичик бизнес субъектларига қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш учун солиқ имтиёзлари берилётгани ва ушбу тизимни кредитлаш ҳисобига барқарор даромад манбаи бўлган янги иш ўринларини ташкил этиш тажрибаси тора оммалашиб бормоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, 2011 йилнинг ўтган даврида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 3,1 триллион сўм миқдорига кредит ажратилганини кўрагимиз. Бу ўтган йилнинг мус даврига нисбатан 1,5 баробар кўп бўлиб, унинг 613,3 миллиард сўми имтиёзли микрокредитлар экани мамлакатимизда ўрта қатламини рағбатлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга жуда катта эътибор қаратилаётганини аниқлади.

О'zLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шариповнинг фикрича, қишлоқ хўжалигида



ишлаб чиқаришни модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани учун фермер хўжаликлари фаолиятининг кенгайётгани янги иш ўрни очиб манбаига айланмоқда. Жумладан, қорвачилик, паррандчилик ва балиқчиликка иқтисослашган хўжаликларда 35,4 мингта, боғдорчилик ва иссиқхонага иқтисослашган хўжаликларда 37,8 мингта иш жойи очилгани бунга мисол бўлиши мумкин.

— Партия электоратининг салмоқли қисмини ташкил этаётган фермерларнинг ўзлари етиштирган махсулотларни қайта ишлашга ҳаракат қилаётганлари қувонарлидир, — деди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Комилов. — Чунки бу ҳаракат замирида қўшимча иш ўрни яратиш мақсади ҳам мужассамдир. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойида фермер хўжаликларида мева, гўшт ва сут махсулотларини қайта ишлаш ҳажми ошгани ҳисобига 19,7 минг киши доимий иш жойига эга бўлди. Сабзавот ва полиз махсулотлари етиштиришга иқтисослашган деҳқон хўжаликлари сонининг кўпайиши эса 27,9 минг янги иш жойи ташкил этиш имконини берди.

Фракция аъзолари оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш, хунарамдчиликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам янги иш ўринлари яратишнинг муҳим омили бўлаётганини таъкидламоқдалар. Хисобот даврида айни шу тизимда 136,1 мингта янги иш жойи очилган. О'zLiDeP фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмоиловнинг фикрича, давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини рағбатлантириш Концепцияси» талаблари асосида ишлаб чиқилган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги имкониятларни янада кенгайтиради. Чунки ушбу қонундан кўзда тутилган асосий мақсад — оилавий тадбиркорликни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асосини яратишдан иборат.

Оилавий корхоналар фойдаланадиган турар-жойларнинг (кўпқаватли уйлар бундан мустақило) нотурар-жойларга ўтказиш талаб этилмаслиги, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин фойда солиғидан озод этилиши, аҳоли учун назарда тутилган тарифлар бўйича инфратузилма объектларига уланиш ва коммунал хизматлардан (электр энергияси, газ, сув таъминоти) фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши ўз-ўзидан кичик бизнеснинг бу йўналишига қизиқишни кучайтирмоқда. «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши партия электоратининг бу борадаги салоҳиятини ошириши баробарида барқарор иш ўринлари яратишда ҳам муносиб ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Йиғилишда мамлакатимиз меҳнат бозорига дахл қилинган чўқур тахлилга асосланган ҳолда тайёрланган ва ҳукумат томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилган «2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг асосий параметрлари ҳам муҳокама қилинди. Дастур лойиҳасига кўра, келгуси йили Ўзбекистонда тармоқлар ва ҳудудлар кесимида

жами 967,5 мингта янги иш ўрни яратиш, унинг тенг ярами ёки 483,1 мингтаси кичик корхоналар ва микрофирмалар, яқна тартибдаги тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада рағбатлантириш, касана-чиликни рағбатлантириш, уй хўжаликлари ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали яратилиши режалаштирилгани О'zLiDeP электорати бўлган ишбилармонларнинг ихтимойий масъулиятини янада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада рағбатлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида кўра, келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўлови ставкаси саноат соҳасида 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани ҳам бўлган маблағлар ҳисобида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринларини ташкил этиш имконини кенгайтиради.

О'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, дастурга биноан хусусий секторда янги иш ўринлари яратишни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларидан жами 4,4 триллион сўм миқдорига кредит ажратилиши, унинг 0,8 триллионини имтиёзли микрокредитлар эканлиги кичик бизнеснинг бандликни таъминлашда нақадар муҳим ўрин тугишини яна бир бор яққол кўрсатмоқда.

Парламент қўйи палатасининг Саннат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Собир Жабборовнинг айтишича, «2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» иқтисодий тармоқларида амалга оширилаётган бошқа дастурлар билан ҳам муносабат бўлиб қайта баҳолаш зарур. Бу эса мамлакатимизда ҳар бир масала ечимига комплекс ёндашилаётганидан далolatдир. Мисол учун, 2011-2015 йилларда саноатнинг устувор йўналишларини рағбатлантириш дастури, модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш дастури, инвестиция дастури, маҳаллийлаштириш дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши салкам 60 мингта янги иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Фракция йиғилишида меҳнат бозорлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳақда ҳудудларни ихтимойий-иқтисодий рағбатлантириш истиқболлари инobatта олинган ҳолда тайёрланган мазкур дастур тўлиқ қўллаб-қувватлаш ва уни маъқуллаш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

Мазкур лойиҳа яна бир бор О'zLiDePнинг бир марталик тадбирлардан воз кечиб, йирик партиявий лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратаётганини кўрсатди, дейиш мумкин. Ташкилотчиларнинг фикрича, лойиҳа доирасида ўтказилган «Қонун ижодкорлигида О'zLiDeP «Ёшлар қанотининг партиявий вазибалари» мавзудаги тадбирдан кўзланган асосий мақсад партиянинг ёшлар орасидаги имижини ошириш, ёш етакчиларни тайёрлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва албатта, ёш партия фаолларини рағбатлантириш, партиянинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик қўзғолтиришга доир 700 дан зиёд лойиҳалари ўрганилиб, 42 нафар иштирокчи ҳайбат аъзолари томонидан республика босқичи қатнашиш учун тавсия этилганини таъкидлаш жоиз.

О'zLiDeP фаолларининг фикрича, «Ёшлар қаноти» эндиликда йирик лойиҳалар орқали амалий натижаларга эришишга асосий эътибор қарата бошлади. «Парламентда менинг ўрним» ана шундай лойиҳалардан бўлиб, унда, энг аввало, кадрлар тайёрлаш тизимини янада рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Зеро, О'zLiDePнинг Сайловолди дастурида ижрония ҳокимиятининг рағбатли тузилмаларига ўз аъзоларини фаоллик билан тавсия этиш, давлат ҳокимияти фаолияти юзасидан депутатлик назоратини таъ-



Парламентда сенинг ўрнинг бор

24 НОЯБРЬ КУНИ ТОШКЕНТДА «ПАРЛАМЕНТДА МЕНИНГ ЎРНИМ» ЛОЙИХАСИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСКИЧИ ИШТИРОКЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI ASR»

Мазкур лойиҳа яна бир бор О'zLiDePнинг бир марталик тадбирлардан воз кечиб, йирик партиявий лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратаётганини кўрсатди, дейиш мумкин. Ташкилотчиларнинг фикрича, лойиҳа доирасида ўтказилган «Қонун ижодкорлигида О'zLiDeP «Ёшлар қаноти» партиявий вазибалари» мавзудаги тадбирдан кўзланган асосий мақсад партиянинг ёшлар орасидаги имижини ошириш, ёш етакчиларни тайёрлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва албатта, ёш партия фаолларини рағбатлантириш, партиянинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик қўзғолтиришга доир 700 дан зиёд лойиҳалари ўрганилиб, 42 нафар иштирокчи ҳайбат аъзолари томонидан республика босқичи қатнашиш учун тавсия этилганини таъкидлаш жоиз.

О'zLiDeP фаолларининг фикрича, «Ёшлар қаноти» эндиликда йирик лойиҳалар орқали амалий натижаларга эришишга асосий эътибор қарата бошлади. «Парламентда менинг ўрним» ана шундай лойиҳалардан бўлиб, унда, энг аввало, кадрлар тайёрлаш тизимини янада рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Зеро, О'zLiDePнинг Сайловолди дастурида ижрония ҳокимиятининг рағбатли тузилмаларига ўз аъзоларини фаоллик билан тавсия этиш, давлат ҳокимияти фаолияти юзасидан депутатлик назоратини таъ-

миллаши бежиз белгиланмаган. Иккинчи асосий мақсад эса кучли демократик ҳуқуқий давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишининг асосий негизи бўлган парламентаризм институтини шакллантириш ва мустақамлаш жараёнида ёш авлод вакиллари иштирокчини кучайтиришдир.

Шубҳасиз, бундай тадбирлар партия фояларини қўллаб-қувватлаш ва амалда татбиқ этишга ёшларнинг кенг жалб этилиши, уларнинг мамлакатда рўй бераётган ихтимойий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлардаги иштирокчини янада фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, мазкур лойиҳа 700 нафардан ортқ ёш кадрлар захирасини шакллантириш имконини берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Насим Алимов эса мазкур лойиҳа Концепцияда белгиланган вазибаларни ижро этишда ёшлар ролининг оширишга қаратилганини таъкидлади. Зеро, кучли фуқаролик жамиятини рағбатлантириш борасида олиб борилаётган либерал-демократик ислохотлар, шунингдек, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича белгиланган вазибалар, шубҳасиз, мамлакатимизнинг дунёда рағбатланган давлатлар қаторидан ўрин олишига хизмат қилади. Бу жараёнда эса ёшлар иштироки, айнисса, муҳимдир.

«Парламентда менинг ўрним» лойиҳаси доирасида ўтказилган мазкур тадбирда ҳам парламентда ёшлар манфаатини кўзлаб тайёрланаётган қонун лойиҳалари ва бо-



Акmal ДАВЛАТОВ, Бухоро давлат университети тарих факультетининг 4-босқич талабаси:

— Ушбу танловда агар келажакда депутатликка сайлансам, қандай ишларни амалга ошириш ва нимага асосий эътибор қаратиш мумкинлигини асослашга ҳаракат қилдим. Ўз «Сайловолди дастури»да тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, аҳоли ихтимойий муҳофаза қилиш борасидаги масалаларни илҳомий ҳал этиш, жамият бошқарувида нодавлат нотижорат ташкилотлари ролининг янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдим. Шунингдек, минтақадаги экологик муаммоларни бартараф этиш борасидаги тақлифларини ва уларнинг ечимларини кўрсатдим. Дастурида ёшларда қонунчилик ташаббуси руҳини шакллантириш, умуман, ёшлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳам алоҳида ўрин эгаллади.



Гозал ШАМУРАТОВА, Бердақ номидаги Қоракалпоқ давлат университетининг 4-босқич талабаси:

— «Парламентда менинг ўрним» лойиҳасида қатнашиш интеллектуал салоҳиятимни рўйга чиқариш учун янги имкониятлар берди. Сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш, халқ сайлаган вакилар сифатида юрдошларимиз истақларини рўйга чиқариш менинг ҳам озугим эди. Лойиҳада бунинг учун нималар қилиш кераклиги ва қандай билим ва кўникмаларга эга бўлиш лозимлигини кўрсатишга ҳаракат қилдим.


БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ОНЛАЙН ТИЗИМИ



О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижрония қўмитаси «AVARS PLUS» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда «Замонавий бухгалтерия ҳисоби дастурларидан фойдаланиш истиқболлари» мавзуда ўн беш кунлик ўқув-амалиёт машғулотларини ўтказди. Семинарда таъкидланганидек, ҳар қандай ташкилот ва муассасанин хўжалик бошқаруви аниқ ҳисоб-китобларга асосланганига у қутилган натижага беради. Бугунги глобаллашув жараёнида иқтисодий таъминотда замонавий ҳисоб-китоб тизимини қўллаш эса давлатнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу боисдан ҳам О'zLiDeP ўз фаолиятини бошлаган дастлабки кунлардан ҳам, хўжалик бошқарувини ислоҳ қилиш, бухгалтерия ҳисобини юртимизда замонавий технологияларни қўллашга интилиб келади. Партия молия-ҳисоб бўлими бошлиғи Фароғат Нодирхонованинг таъкидлашича, айни кунда бухгалтерияда иш юритилиши замонавий онлайн режимида ўтиш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, Молия вазирлигининг 2010 йил 17 декабрдаги буйруғи асосида «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги янги йўриқнома» қучга киргач, партия раҳбарияти томонидан мазкур ҳужжат талабларини бажаришга киришилди. Республикада биринчилардан бўлиб, партиянинг молия-ҳисоб бўлимида замонавий «1-С 8.2» бухгалтерия дастури ўрнатилди.


— Шу боисдан ҳам барча бўғинларимиздаги ҳисобчи кадрлар малакасини ошириш ва уларга ушбу тизим билан ишлаш жараёнини ўргатиш мақсадида ўқув-амалиёт машғулотларини ташкил қилдик, — деди Ф.Нодирхонова. — Бухгалтерия соҳасида қўлланялаётган мазкур янгиланин афзаллиги шундаки, онлайн режими асосида барча ҳисоб-китобларнинг ягона ахборот базаси вужудга келади. Яъни, интернет тармоғи орқали бухгалтерия ҳисоб-китоблари натижаларини барча бўғинларга етказиш, марказдан туриб молиявий фаолиятни назорат қилиш ва умумий маълумотларни бир пайтнинг ўзида тўплаш имконияти вужудга келади.

Семинар машғулотлари давомида «AVARS PLUS» МЧЖнинг малакали мутахассислари томонидан интерактив услубда янги тизимнинг афзалликлари ва учдан қандай фойдаланиш мумкинлиги борасида ўқувлар ва амалий машғулотлар ташкил этилди. Семинар иштирокчиларининг фикрича, электрон ҳужжат билан ишлаш жараёнига ўтиш ҳисоб-китобларнинг аниқ юритилишини таъминлаши билан биргаликда ортқча қоғозбозлиқни камайтириб, иш суръатини ошириш имкониятини ҳам кенгайтиради.




«ФАРҒОНАПАХТАСАНОАТ» ХУДУДИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

озод ва обод диёримизнинг
барча фуқароларини
яқинлашиб келаётган
Асосий Қонунимиз —
Ўзбекистон Республикаси
КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ
билан чин дилдан муборакбод этади.
Хонадонларингизга тинчлик-тотувлик
ва фаровонлик тилайди.
Мустақил юртимиз осмони
хамиша мусаффо бўлсин.
Ушбу фарахбахш кунларда
дилингизга туккан барча
орзу-истакларингиз
ижобат бўлсин, азизлар!



«НАВОИЙ НЕФТЬБАЗАСИ» УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни
яқинлашиб келаётган
Ўзбекистон Республикаси
КОНСТИТУЦИЯСИНING
19 йиллиги
билан қизғин қутлайди.
Жаннатмакон ўлкамизнинг
бугунги осуда ҳаётига
кўз тегмасин.
Хонадонларимиздан
шоду хуррамлик,
файзу барака
ҳеч қачон аримасин!



СЎНГГИ САҲИФА

web sayti: www.21asr.uz

«ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ» ТАНЛОВИГА

«Мен чегарачи эканимдан фахрланаман...»

ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ЁЗИЛМАГАН КОНУНЛАРИ БОР. ДУНЁДА ХЕЧ НАРСА АБАДИЙ ЭМАС. ФАҚАТ ЭЛ-ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА КЎРСАТИЛГАН МАРДЛИК, ЖАСОРАТГИНА АВЛОДЛАР ХОТИРАСИДА МАНГУ КОЛАДИ

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»

Йигирма йиллик тарихимизга назар ташласак, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Истиқлол халқимизга нафақат ўзинини, балки миллий қадриятларини ҳам қайтарди. Барча соҳада босқинча-босқин амалга оширилаётган ислохотлар туфайли турмушимиз тобора янги мазмун касб этмоқда. Энг муҳими, оиламиз хотиржам, эртанимдан кўнглимиз тўқ.

Бироқ ана шу тинчлик-хотиржамликни таъминлаш осон кечмаётганлиги ўз-ўзидан маълум. Қанчадан-қанча мард ўғлонларимиз Ватан сарҳадларининг дахлсизлиги йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демая сергак туриб, фидойилик намуналарини кўрсатмоқдалар. Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистон Республикаси ўтган қисқа давр орасида ўз миллий армиясига эга бўлди. Эндиликда ушбу армия давлат хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган қудратли ҳарбий салоҳиятга эгадир. Зеро, ҳар бир инсон учун тинчликдан улурок неъмат йўқ.

Ҳарбий соҳада амалга оширилган ислохотлар жараёнида Куролли Кучларни замонавий қурол-яроғ, малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг уй-жой ва манжий шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Айни кунда юрт тинчлиги, эл осойишталиги йўлида хизмат қилиш мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаро учун шарафли бурча айланган. Ислохотлар самараси ўлароқ, қўшинларнинг моддий-техник



базаси мустаҳкамланди, ҳарбий хизматчиларнинг янги авлодини шакллантиришга эришилди. Буни Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари шахсий таркиби фаолияти тисолида ҳам кўриш мумкин.

...II даражали старшина Дилмурод Эгамбердиевнинг ҳарбий либос кийганига ҳадемай ўн йил тўлади. У 2003-2004 йилларда мамлакатимизнинг Афғонистон билан чегарадош сарҳадларида муддатли ҳарбий хизматни ўтади. Асли Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида туғилган бу навқирон йигит Амударё бўйларида юрт тинчлиги, осойишталигини ҳимоя қиларкан, чегарачилик касбига меҳри тушиб қолган эди. Шу боис шартнома асосида хизматни давом эттиришга қарор қилди.

Унинг қарори ота-онасига ҳам маъқул тушди. Гарчи улар ҳарбий хизмат

яна камида 15-20 йилга қўзилишини билишса-да, Дилмуроднинг раъйига қарши бормадилар. Аслида фарзандларининг армия сарҳадларида қайтгани ота-онани мамнун этган эди. Шу туфайли ортдан дуо қилиб, кузатиб қолдилар.

Дилмурод Эгамбердиев дастлабки кунларданок астойдил ишга киришди. Муддатли ҳарбий хизмат даврида чегара қисмларида ўқчи сифатида хизмат қилиб, етарли тажриба орттирган бўлса-да, излашдан тўхтамади, билмаганларини қуролдошлари ва командирларидан ўрганишда давом этди. Ўз тасарруфидаги жанговар қурол сирларини пухта ўзлаштирди. Хизмат сарфларини давомида маҳоратини ошириб борди. Унинг хушёрлиги ва сергаклиги боис бир неча бор чегара бузишга уришиш ҳолатларининг олди

олинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Спорт — доимий хамроҳи. Командирларининг таъкидлашича, ҳарбий қисм хизматчилари орасида югуриш бўйича Дилмуродга тенг келадигани йўқ. Маҳоратини ҳамиша ошириб боради.

Умуман, юрт муҳофазаси учун ўз тинчидан кечига тайёр бўлган бу йигит сафдошларига ҳамиша ибрат. Унинг фидойилиги, хизмат бурчига содиқлиги исзис кетмади: даставвал «II даражали чегара қўшинлари аълочилиси» нишони билан тақдирланди. 2009-2010 йилларда Куролли Кучлар ўртасида ўтказилган танловда «Энг илғор сержант» номинацияси бўйича голибликка эришди.

— Мен чегарачи эканлигимдан фахрланаман, — дейди у. — Зеро, эл осойишталиги йўлида хизмат қилишдан каттароқ бахт бўлмаса керак. Қолаверса, бу ҳар бир йигит учун му-

қадас фарзандлик бурчидир.


Д.Эгамбердиев билан учрашувимиз у хизматга отланаётган пайтга тўғри келиб қолди. Шу боис гапга тутиб, вақтини олгимиз келмади. Савол-жавоб қисқа бўлди. Бир оздан сўнг навқирон йигит жанговар кемада Амударё узра манзил томон кетиб борарди.

Айтишларича, бугун унинг туғилган куни экан. Бироқ ҳарбий хизмат тартиб-интизомни хуш кўради. Зеро, чегара хизмати шундай — қўпинча байраму туғилган кунларни ортага суришга, баъзи бир йигин-ҳашамлардан воз кечишга тўғри келади. Ҳарбий хизматчи учун юрт ва миллат манфаатидан устурок манфаат йўқ. Ўз ҳаловатидан воз кечиб, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида тиним билмай хизмат қилаётган Дилмурод ва у каби фидойи фарзандларимиз бор бўлсин!



Мамлакатимизда шу ҳафта охири ва кейинги ҳафта бошларида ўзгарувчан об-ҳаво кузатилиб, вақти-вақти билан ёмғир, қор ёғади. 1-8 декабрь кунлари баъзи жойларда ҳарорат 10-15 даража совуқкача пасайиб, туман тушади. Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёмғир (қор) ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқдан 11-13 даража совуқкача пасаяди, кундузи 0-5 даража совуқ бўлиши кутилмоқда. Бухоро ва Навоий вилоятларида 3-5 декабрда ғарбдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 15-20 м/с тезликкача кучаяди. Ҳарорат кечаси 0-5 даража илиқдан 2-7 даража совуқкача пасаяди, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ҳафта охирида вақти-вақти билан ёмғир (қор) ёғади. Ҳарорат кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 2-7 даража илиқдан 0-5 даража совуқкача пасайишини, кундузи 2-7 даража илиқ бўлишини кўрсатади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгарувчан бўлиб, 3-5 декабрда айрим жойларда ёмғир (қор) ёғиши мумкин. Шамол шарқдан 15-20 м/с тезликкача эсади. Ҳарорат кечаси 2-7 даража совуқкача пасаяди, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади. Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ҳафта охирида вақти-вақти билан ёмғир (қор) ёғади. Ҳарорат кечаси 0-5 даража илиқдан 2-7 даража совуқкача пасаяди, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, 2-5 декабрь кунлари қор қўчиши ҳавфи бор. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқдан 7-12 даража совуқкача пасаяди, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

«ЛОНДОН-2012»ГА ЯНА УЧТА ЙЎЛЛАНМА



Таиландда таэквондонинг WTF йўналиши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида 1 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритган спортчиларимиз «Лондон-2012» мусобақасида иштирок этиш имконини берувчи 3 та йўлланмага эга бўлди.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасидан хабар қилинишича, 30 та мамлакатдан келган 99 нафар спортчи қаторида медаллар учун кураш олиб борган 4 нафар яккакурашчимизнинг 3 нафари ўз мақсадига эришди. Жумладан, эркалар ўртасидаги баҳслар якунига кўра, Дмитрий Ким (68 кг.) кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Акмал Эргашев (+80 кг.) «бронза»га лойиқ топилди. Яна битта «бронза» аёллар ўртасидаги беллашуларда ўзини кўрсатган спортчимиз — Наталья Маматовага (67 кг.) насиб этди.

«ШҮРТАН»ГА КРИШЕНКО КЕЛДИ



Футбол бўйича XX миллий чемпионатни 7-ўринда якунлаган Гузорнинг «Шўртан» жамоаси янги мавсумни беларуслик мутахассис — Игорь Криушенко мураббийлигида бошлайдиган бўлди. Fcshurtan.uz сайтида хабар қилинишича, гузорликлар билан «1+1» (бир йилга

тузилган шартнома жамоа яхши натижа қайд этган тақдирда яна бир йилга узайтирилади) кўринишидаги келишувни имзолаган мураббий йиллар давомида Беларуснинг «Динамо» (Минск), БАТЭ, Россиянинг «Сибирь» клубларида фаолият олиб борган. Аҳамиятли томони шундаки, 2005-2007 йилларда БАТЭ футбол клубини бошқарган Криушенко етакчилигидаги жамоа икки марта мамлакат чемпионлигини ва бир қарра республика кубогини қўлга киритган. Бундан ташқари, таниқли мутахассис БАТЭ ва «Сибирь» жамоалари мураббийи сифатида УЕФА кубоги (Европа лигаси) турнирларида ҳам иштирок этган.

AMERICAN AIRLINES НАЖОТ КЎТМОҚДА



Нуфузли авиаташувчи компания банкротлик ҳолатига тушиб қолгани ҳақида эълон қилиб, кредиторлардан ҳимоя қилишни сўраб АҚШ судига мурожаат этган. Мазкур тадбир компания учун йўловчиларга хизмат кўрсатишни давом эттириш ҳамда бир вақтнинг ўзида

ҳаражатларни камайтириш имкониятини беради. Бундан аввал компаниянинг мамлакатдаги асосий рақобатчиларидан ҳисобланган — United Airlines ва Delta ҳам худди шундай йўл тутганди. Эндиликда мазкур компания ҳам судга мурожаат этишга мажбур бўлган. Унинг ҳозирги қарзи 22 млрд. еврони ташкил қилади. Бу компания қарзлари активларидан 3,5 млрд. кўп, деганидир.

реклама

Називин®

БУРУН ВА БУРУНЧАЛАР УЧУН

ОКСИМЕТАЗОЛИН

NYCOMED

- Катталар ва болалар учун ҳаётнинг биринчи кунлариданок қўллаш мумкин бўлган тумовга қарши препарат
- 12 соатгача таъсир кўрсатади
- Германияда ишлаб чиқарилади

Қўллаш учун кўрсатмалар

- Тулов билан бирга кечадан утир респиратор касалликларни даволаш;
- Аллергик ринит;
- Вазомотор ринит;
- Бурун бўшлигининг турли қисмлари яллиғланганда дренажни тиклаш учун, евстахий, ўрта отида;
- Бурун бўшлиғида диагностика ўтказишдан аввал шундан бартараф этиш учун.

Рўйхатга олинганлик аридонин гувоҳнома П-8-242 1400432; 8-250-90 906198

Шафқат раъиятсиз боради

Товар сифатининг аридонин гувоҳнома П-8-242 1400432; 8-250-90 906198

Қўллаш мумкин бўлган касалликлар мавқид

Препаратни қабул қилишдан аввал шифокор билан масоҳатлашсин

Меҳр КГА Германия д/н Никомед

Називин қадоғининг янги дизайни